

## ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

*Мирходжаев Азимжон Мирхосилович*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура тингловчи*

*Аннотация:* Ушбу мақолада терроризмга қарши кураш хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили доирасида кўриб чиқилган

*Калит сўзлар:* Терроризм, диний экстремизм, конвенция, ноқонуний миграция

XX аср охири – XXI аср бошларида диний экстремизм ва терроризм муаммоси жаҳон мамлакатларини бирдек ташвишга солди ҳамда ижтимоий-сиёсий муаммоларни келтириб чиқариши жиҳатидан энг хавфли кўринишга эга бўлди.[1] Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, қасдан одам ўлдириш, босқинчилик, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғояларнинг тарқалиши ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.[2]

Таъкидлаш лозимки, АҚШ, Франция, Германия, Буюк Британия, Туркия, Исроил давлатларида терроризм учун жавобгарликни кучайтириш чоратадбирлари террорчилик фаолияти билан боғлиқ жиноят-ҳуқуқий сиёсатни кучайтириш, шу жумладан, молиявий манбаларни тўсиш терроризм, жиноий жавобгарликни кучайтириш ҳамда жиноят-ҳуқуқий профилактика чоралари хажмини оширишга қаратилган.[3]

Мамлакатлар терроризм ҳодиса билан доимий равишда курашиб келмоқда ва унда айримлари етарли муваффақиятларга эришган. Илмий адабиётларга кўра терроризмга қарши курашишнинг илмий асосланган, минтақавий ўзига хосликларни инобатга оладиган ва кенг миқёсдаги

хамкорликка таянган тизимини яратиш мумкин. Европа иттифақининг терроризмга қарши кураш бўйича собиқ координатори Гилл де Керчовнинг таъкидлашича “Европада терроризм хавфи камаймаяпти, шу билан бирга, Интернет европалик ёшлар орасида радикал кайфиятни уйғотиш мақсадида фойдаланиладиган беш мингга яқин сайтлар мавжуд”. [4]

Бу борада терроризм билан муваффақиятли кураш олиб бораётган мамлакатлар тажрибаси, илмий хулосалари ва ҳамкорлик асосларини қуйида таҳлил қиламиз.

***Германияда терроризмга қарши курашиш сиёсати ва ҳуқуқий асослари.***

Германия терроризмга қарши курашиш сиёсати аввало аниқ, қатъий ва кенг қамровли ҳуқуқий асосларга таянади. 1986 йил декабрда қабул қилинган ва 1987 йил 1 январда кучга кирган “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Германия қонуни (*Gesetz zur Bekämpfung des Terrorismus*) ҳам ҳалигача мазкур соҳадаги асосий ҳуқуқий асослардан биридир. Ушбу қонун бор-йўғи 6 та моддадан иборат бўлиб, асосий мазмуни терроризм жиноятлари ва уларга оид қилмишларни криминализация қилиш, аниқлаштириш ҳамда Жиноят кодексига киритиладиган ўзгартиришларни аниқлашдан иборат [5].

Германия қонунчилигининг Терроризмга қарши кураш соҳасидаги янгиланган таҳрирдаги қонунчилигини 2006 йил 6 мартдаги 35-ФЗ-сонли “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Федерал қонун ташкил этади. Унда глобаллашган дунёдаги террористик хавфли қилмишлар, уларга қарши курашишнинг асослари, қарши кураш концепцияси каби муҳим фундаментал жиноят-ҳуқуқий сиёсат белгиланган. Шу билан бирга 2002 йил январ ойида “Халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун (*Gesetz zur Bekämpfung des internationalen Terrorismus*) қабул қилинди. Аммо унинг мазмуни амалдаги мавжуд меъёрий ҳужжатларга бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутгандир [6].

Лекин, Германияда Терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик бу ҳужжат билан чекланмайди, балки турли кўринишдаги тезкор-

қидирув фаолиятига оид ва бир қанча ижтимоий соҳалардаги терроризм жинойтларига қарши кураш билан боғлиқ йўналишларни ҳам қамраб олади.

Жумладан:

“Федерал Конституцияни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун (*Bundesverfassungsschutzgesetz (BVerfSchG)*), унинг мақсади мустақил ташкилий бирлик сифатида Ички ишлар вазирлиги таркибига кирувчи Конституцияни ҳимоя қилиш федерал идорасининг (*Bundesamt für Verfassungsschutz*) мақомини белгилашдан иборат[7];

“Ҳарбий контрразведка хизмати тўғрисида”ги қонун (*Gesetz über den Militärischen Abschirmdienst – MAD-G*) Германия Мудофаа вазирлиги тизимида ушбу органнинг мақомини белгилайди[8];

“Федерал разведка хизмати тўғрисида”ги қонун (*Gesetz über den Bundesnachrichtendienst (BND-Gesetz - BNDG)*) бутун дунёда ўзининг қисқартмаси - BND билан машҳур бўлган ушбу органнинг мақомини ҳамда унинг терроризмга қарши курашдаги ваколатларини белгилайди;[9]

1968 йил 13 августдаги “Почта жўнатмалари, посылкалар ва телекоммуникациялар сирларини чеклаш тўғрисида”ги Қонун (*Gesetz zur Beschränkung des Brief, Post-und Fernmeldegeheimnisses*) ташқи таҳдидлар содир бўлганда оператив тадбирларни ўтказиш қоидаларини белгилайди, айниқса террористик ҳаракатларни олдини олиш ва аниқлашда жўнатмалар муҳимлигини инобатга олиш лозим[10];

“Федерация хавфсизлигини текшириш ва махфий маълумотларни ҳимоя қилиш шартлари ва усуллари тўғрисида”ги қонун (*Gesetz über die Voraussetzungen und das Verfahren von Sicherheitsüberprüfungen des Bundes und den Schutz von Verschlusssachen (Sicherheitsüberprüfungsgez)*) шаклларини, махфий маълумотлар билан ишлайдиган шахсларни текшириш усуллари ва шаклларини белгилайди[11].

Мазкур қонунлар Германия федерал ҳукуматининг терроризмга қарши курашиш сиёсатининг ҳуқуқий асосларини бир қисмини ташкил этади.

Хусусан, немис олими И.Виегантга кўра, Германиянинг узок йиллик

терроризмга қарши сиёсати биринчи навбатда хавфсизлик билан бирга шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, яъни хавфсизлик баҳонасида ҳуқуқ ва эркинликларни чекламаслик, шу билан бирга аниқ ва тўғри тақсимланган ваколат, белгиланган ҳуқуқий асослардан чекинмаслик каби муҳим омиллар асосида амалга оширилган ҳамда анча муваффақиятли натижага эришмоқда[12].

2008 йил 25 декабрдаги “махсус” қонун жиноий полициянинг террористик ташкилотлар фаолиятига алоқадорликда гумон қилинган шахсларнинг компьютерларига махсус дастурлар орқали кириш ваколатларини кенгайтди. Қонуннинг профилактик мақсади - ҳаракатлари билан ўзини террористик ташкилотнинг фаол аъзоси сифатида кўрсатмаган, лекин бундай потенциал хавф мавжуд бўлган шахсларнинг ҳаракатларини назорат қилишдир.

2009 йил 30 июлдаги “Давлатга хавф туғдирувчи оғир зўравонлик хатти-ҳаракатларини тайёрлаганлик учун жавобгарлик тўғрисида”ги қонун[13] террорчилик ташкилотига алоқаси бўлмаган ҳолда террорчилик ҳаракатини тайёрлаётган ва унга ёрдам бераётган шахсларга нисбатан ҳам жиноят қонуни доирасини кенгайтди. Мумкин бўлган террорчилик фаолиятига тайёргарлик кўриш фаолияти мазкур қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортишга ҳуқуқий асос яратди. Масалан, “террорчиларни тайёрлаш лагерида ўқитиш”; террорчилик фаолияти учун материалларни тайёрлаш, олиш ёки сақлаш; террорчилик фаолиятида фойдаланиладиган қурол ёки асбобларни ишлаб чиқариш учун материалларни сотиб олиш ва ҳоказо. Шунингдек, 2009 йил 31 июлдаги яна бир қонун Федерал разведка хизмати (BND)нинг телекоммуникация алоқаларини назорат қилиши билан боғлиқ ваколатларини кенгайтди. Мазкур қонунга кўра Федерал разведка хизмати Германия юрисдикция ҳудудидан ташқаридаги террористик фаолиятга алоқадор ҳаракатларни кузатиш имконига эга бўлди.

### **Хитой халқ республикасининг тажрибаси**

Халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва террорчилик фаолиятининг олдини олиш ва уларга қарши самарали курашиш учун Хитой 1970 йилларнинг охиридан бошлаб бир қатор конвенцияларга қўшилган ёки ратификация қилинган.

Хитой халқаро ҳамжамиятнинг илғор тажрибаларига таянган ҳолда 1990 йиллардан буён терроризмга қарши ички қонунчилик базасини яратишни, жиноят қонунчилигига ўзгартиришлар киритишни ва такомиллаштириш бўйича саъй-ҳаракатларини тезлаштирди.

2014 йил апрел ойидан бошлаб терроризм жиноятларига қарши тажрибани умумлаштириш, терроризмга қарши кураш механизмини такомиллаштириш, террорчилик ҳаракатларига чек қўйиш мақсадида барча томонларнинг таклиф ва фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда терроризмга қарши курашиш қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бошланган.

2015 йил 27 декабрда Хитой халқ республикасининг Доимий кўмитаси “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Унга кўра “терроризм” тушунчаси бир қанча воситалар, мақсад ва шаклларни ўз ичига олган, зўравонлик, кўпорувчилик ёки кўрқитиш йўли билан ижтимоий ваҳима уйғотувчи, жамоат хавфсизлигига путур етказувчи, шахсий ва мулкый ҳуқуқларни бузувчи ёки мажбурловчи ҳаракатлар сифатида тушунилади.[14]

Мазкур қонун терроризмга қарши кураш бўйича Хитойнинг асосий тамойиллари ва позициясини белгилаб берувчи кенг қамровли норматив ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, Хитойнинг террористик ташкилотлар ва унга алоқадор шахсларни аниқлаш, хавфсизликни таъминлаш, разведка маълумотларини аниқлаш, уларга ишлов бериш, халқаро ҳамкорлик ва ҳуқуқий жавобгарликка доир қоидаларни белгилаб, террорчилик ҳаракатларини олдини олиш ва унга нисбатан жавобгарликнинг ҳуқуқий кафолатини берди.

Хитой 40 йилдан ортиқ тажрибага таянган ҳолда, Конституцияга асосланган терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий базасини босқичма-босқич шакллантирди. Бунда терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун асосий

ўрин тутади ва жиноий қонунлар ва миллий хавфсизлик қонуни асосий рол ўйнайди ва бошқа қонунлар қўшимча сифатида, маъмурий қоидалар, суд талқинлари, маҳаллий қоидалар, идоравий ва маҳаллий бошқарув қоидаларини ўз ичига олади.

Жамоат хавфсизлиги идоралари полиция ва маъмурий жавобгарликни қўллаш бўйича ўз фаолиятларини янада очиқроқ юритиб, терроризм билан боғлиқ ҳолатларга нисбатан ҳуқуқни қўллаш жараёнлари ва натижалари устидан фуқаролар ва кенг жамоатчиликнинг назоратини амалга оширишни йўлга қўйди.

Терроризмга қарши курашишда илмий тадқиқотлар ва технологик инновацияларни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш, янги техник қурилмаларни ишлаб чиқиш уларни оммалаштириш, ходимларни ўқитиш ва амалий ишларда қўллаш орқали Хитой ўзининг илмий ва технологик салоҳиятини ошириб борди. Жумладан, сунъий интеллект, шифрланган алоқа ва виртуал валюталарни назорат қилиш.

Шунингдек Хитой, терроризмга қарши курашда махсус ҳаракатлардан ташқари, жамоатчиликка ҳам таянади. Булар талабалар шаҳарчасида, иш жойларида, турар-жой массивларида кенг қамровли тарғибот ва тушунтиришлар ҳамда таълим ишларини олиб боришда кўринади. Бундан ташқари кенг жамоатчилик терроризмга қарши курашиш бўйича “Фуқаролар учун қўлланма” кўринишидаги буклетларини тарқатишда иштирок этадилар ёки бевосита уларнинг ўзларига тарқатилади.

Мазкур амалиёт одамларни терроризм билан боғлиқ бўлган фаолиятлар тўғрисида тегишли органларга хабар беришга ундайди ҳамда жамоат хавфсизлиги ва терроризм билан боғлиқ ҳодисаларга хавфсизлик хизматларининг ўз вақтида жавоб бериш қобилиятини оширади.

Замонавий Хитой терроризмга билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишни ташкил этиш борасида Интернет билан боғлиқ чекловлар жорий этилган. Хусусан Интернет-кафеларда мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилган, шунингдек, интернетда эълон қилинган ноқонуний

материалларни аниқлайдиган **интернет полицияси** (норасмий “Интернет санитарлари” деб номланади) фаолият йўлга қўйилган.[15]

Шунингдек Хитой тажрибасига кўра Терроризмнинг мафкуравий асосларини йўқ қилиш терроризм билан боғлиқ фаолиятига қаттиқ зарба беради. Аҳолининг қонун устуворлигига амал қилиши терроризм ва диний экстремизм келтираётган зарарини англаши бунда терроризм ва диний экстремизмнинг ўзига хос бўлган жиҳатларини ажрата олиши, малакатда терроризм ва диний экстремизм кириб келишига қарши туриш қобилиятини анча мустаҳкамлайди[16].

### **Исроил давлатининг терроризмга қарши курашиш сиёсати.**

Исроил терроризмга қарши курашишнинг энг илғор технологияларини ўз ичига олган ғоят қудратли тизимга эга. Қолаверса, Исроилда террорчилик ҳаракатлари мазмунига кўра жуда мураккаб, мунтазам ва ўсиб боровчи характерга эгадир.

Исроил терроризмни Исроил давлатчилигининг ўзига бевосита таҳдид солувчи ҳарбий ҳаракатларга яқин ҳаракат сифатида қабул қилади. Шу боис мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилиб, терроризмга қарши курашиш асосан Мудофаа вазирлиги раҳбарлигида олиб борилмоқда. Исроил террорчилик ҳаракатларига жуда қаттиқ жавоб беради. Бундай ёндашув халқаро майдонда жуда кўп танқидларга учрамоқда. Дунёнинг кўпчилик давлатлари Исроилга ўзига нисбатан содир бўлаётган воқеаларга номутаносиб муносабат билдирмоқда, деб ҳисоблайди.

2016 йил 16 июнь куни Кнессет мажлисида учинчи ўқишда “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун маъқулланди ва у 2016 йил 1 ноябрдан кучга кирди.

Исроил давлатида узок вақт давомида терроризмга қарши курашишдаги қийинчиликлар қуйидагилар билан изоҳланади:

- террорчилик жиноятини содир этган шахслар;
- террористик деб таснифланиши керак бўлган ташкилотлар;

террористик ҳужумлар сифатида қабул қилиниши керак бўлган

жиноятлар.

Исроил давлатида терроризмга қарши курашда бевосита ва фаол иштирок этадиган бир қатор махсус кучлар мавжуд.[17]

Бу махсус кучларнинг террорчилар жойлашган ҳудудлардаги ҳаракатларидан ташқари, улар икки географик йўналишда фаол ҳаракат олиб боради.

Биринчидан, худкуш террорчилик томонидан эҳтимолий ҳужум қилинадиган жойларда;

иккинчидан, Исроил шаҳарларида террорчи-худкушларнинг “хавфсиз уйлари”ни аниқлаш, кузатиш ва йўқ қилиш йўналишида.

Исроил махсус хизмат ходимлари томонидан ёлланган шахслар террорчилар ёки уларнинг шериклари билан алоқа ўрнатилганда уларни кузатишда махсус кучлар бир қатор бошқа устунликларга эга бўлади:[18]

- террорчиларни тинч аҳолидан ажратиб олиш имконияти;
- уларни таъқиб қилиш, яъни объектни қўлга олиш ёки йўқ қилишгача кузатиб бориш;
- объектнинг барча хатти-ҳаракатларини мониторинг қилиш орқали қўшимча маълумот олиш ва бу маълумотларни зудлик билан терроризмга қарши операцияда иштирок этувчи бошқа тузилмалар билан баҳам кўришда.

#### ***Аҳоли билан ўзаро муносабатлар усуллари.***

Терроризмга қарши курашда Исроил учта турдаги тактикани ўз ичига олган пассив мудофаа деб аталадиган бир қатор усуллардан фойдаланади. Булар:

- аҳоли кесиб ўтувчи чегараларида ўтказиш пунктларини ташкил этиш;
- мураккаб хавфсизлик тузилмаларини яратиш;
- шаҳар марказларида полиция ёрдамида хавфсизлик чораларини амалга ошириш.

#### ***Америка қўшма штатларининг тажрибаси.***

Америка қўшма штатлари терроризмга қарши курашда махсус стратегия асосида ўз сиёсатини олиб боради. Унга кўра, ушбу стратегиянинг иккита

асосий миссияси мавжуд бўлиб:

қўшма штатлар унинг фуқаролари ва иттифоқчиларини ҳимоя қилиш;  
дунё бўйлаб халқаро муҳитда террористик ҳужумлар учун энг ноқулай  
муҳитни яратиш.

Ушбу вазифаларни бажариш учун АҚШ маъмурияти “тўрт Д”  
стратегиясини ишлаб чиқди ва тақдим этди (ҳимоя қилиш, мағлуб этиш, инкор  
этиш, камайтириш).

1. Ҳимоя қилиш - саъй-ҳаракатларнинг энг муҳим йўналиши бўлиб,  
Америка Қўшма Штатлари халқи ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз ичига  
олади. Америка ўз ҳудуди ва чет эл мамлакатлари ичида мудофаа қобилиятини  
мустаҳкамлаш, шунингдек, террорчилик таҳдидларини тан олган ҳолда имкон  
қадар эрта зарарсизлантириш.

2. Мағлубиятга учратиш (йўқ қилиш) - Қўшма Штатлар глобал миқёсда  
фаолият юритаётган террористик ташкилотларга ҳужум қилиб уларнинг  
раҳбарларига тегишли бошпаналар, қўмондонлик пунктлари йўқ қилган  
ҳолда, моддий таъминот манбаларини кесишни назарда тутди.

Бундан кутилган натижа эса, ўзаро боғланган тармоқларнинг тарқоқ  
бўлишига олиб келишидир. Кейинги қадам эса минтақавий шериклари билан  
терроризмга қарши курашишда ҳамкорликни фаоллаштириш бўлади.

3. Рад этиш (рад этиш) - Қўшма Штатлар терроризмга қарши кураш  
бўйича БМТ ҳужжатларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажарувчи барча  
иттифоқчиларидан ёрдам олишга интилиб, терроризмга қарши курашишда  
кўп қиррали саъй-ҳаракатларни амалга оширади. Бу йўналишда ҳамкорлик  
қилишни истамайдиган мамлакатлар учун Қўшма Штатлар зарур мажбурлов  
чоралари амалга оширади.

4. Камайтириш (камайтириш) - Қўшма Штатлар терроризмнинг  
мавжудлиги учун қулай шарт-шароитларни минимал даражага туширишга  
интилади[19].

АҚШда терроризмга қарши курашида ички хавфсизлик департаменти  
мавжуд бўлиб, унинг асосий асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

террористик ҳаракатларнинг олдини олиш;

АҚШга қарши қаратилган ва АҚШнинг ички терроризм деб аталадиган таҳдидларни камайтириш[20].

Бундан ташқари, Ташқи ишлар вазирлиги ФҚБ ва Марказий разведка бошқармаси билан биргаликда келгусидаги террорчилик таҳдидларига қарши кураш бўйича АҚШ миллий хавфсизлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқади, шунингдек, терроризмга қарши курашиш соҳасидаги устувор йўналишларни белгилайди.

### **Бирлашган Араб Амирликлари тажрибаси**

БАА Ички ишлар вазирлиги терроризмга қарши кураш бўйича махсус кучларга эга ва уларни доимий равишда тайёрлаб келмоқда. Хозирги пайтда уларнинг жиҳозланиши ва жанговар тайёргарлиги бўйича энг яхшилардан бири ҳисобланади. Амирлик терроризмга қарши кураш соҳасида махсус кучларни тайёрлаш бўйича немис мутахассисларидан катта тажриба ўзлаштирган. Жумладан, тезкор операциялар, табиий офатларга қарши кураш, қидирув фаолияти, хавфсизлик ва гаровга олинганларни озод қилиш йўналишларини мисол сифатида кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, Амирлик Ички ишлар вазирлигининг махсус кучлари қуролли кучлар бўлинмалари билан яқин ҳамкорликда фаолиятини амалга оширади. Ҳар йили БАА Ички ишлар вазирлигининг 100 дан ортиқ ходимлари Германияда махсус малака ошириш курсидан ўтади.

Бирлашган Араб Амирликларида полиция кучи Британия моделига асосланган бўлишига қарамай, Ички ишлар вазирлиги эҳтиёжларига мос келадиган замонавий янгиликлар ва тизимларни қабул қилишга доимий интилиб боради.

### **Туркия тажрибаси**

Терроризмга қарши кураш Туркиянинг асосий ташқи сиёсатларидан биридир. Туркия йиллар давомида терроризмнинг турли кўринишларига қарши курашиб келмоқда.

2007 йилда Туркиянинг терроризмга қарши соҳасида янги қонун қабул

қилинди. Ушбу Қонунда терроризм деб баҳоланадиган анъанавий жиноятлар билан бир қаторда, фоҳишалик, одам контрабандаси ва одам савдоси, гиёҳванд моддалар ва қуролларни сотиш, кредит карталарини сохталаштириш, атроф муҳитнинг ифлосланиши, компьютер тизимларини бузиш, қасддан одам ўлдириш ва таълим олишга тўсқинлик қилиш ҳам ушбу жиноятга тенглаштирилган. Шунингдек, террористик ташкилотларнинг мурожаат ва баёнотларини матбуотда эълон қилиш, шунингдек уларнинг гоёларини тарғиб қилишга ҳам жиноий жавобгарлик назарда тутилган.[21]

Туркиянинг терроризмга қарши курашининг марказида минтақавий ва халқаро ҳамкорлик тамойиллари ётади. Туркиянинг терроризмга қарши курашда фаолроқ механизмлар ўрнатиш мақсадида ривожланган икки томонлама ва кўп томонлама алоқалари билан бир қаторда, Туркия турли халқаро платформаларда фаолроқ позицияда ҳаракат қилмоқда. Туркия БМТнинг 2006 йилда қабул қилинган ва терроризмга қарши кураш бўйича глобал стратегиясини фаол қўллаб-қувватлаган ҳолда, терроризмга қарши курашнинг умумий ва махсус стратегиялар асосида ўзининг унинг мақсадларини амалга оширмоқда. Шу нуқтаи назардан шуни айтиш мумкинки, Туркия миллий хавфсизлик, минтақавий барқарорлик ва глобал терроризмга қарши кураш тамойилларини ҳисобга олган ҳолда махсус тадбирларни амалга оширишда давом эттирмоқда.

Терроризмга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг расмий саҳифаларида, жумладан ИИВнинг интернет расмий саҳифасида фаол равишда Терроризмга қарши курашишда фуқароларни фаол ҳамкорликка жалб қилиш борасида “ALO 140” рукни остида видеороликлар жойлаштириб борилади. Ўзбекистон Республикаси ИИВда эса, Терроризмга қарши курашиш хизмати фаолиятидаги ютуқлар ҳамда видеороликлар мавжуд эмас.

Шунингдек, Туркия ИИВ расмий саҳифасида ўтказилган махсус операциялар ва қўлга олинган ҳақидаги маълумот мавжуд бўлиб, ўтган йиллар давомида 678 та махсус операциялар ўтказилган бўлиб, мазкур операциялар натижасида 1225 нафар шахслар ушланганлиги кўриш мумкин[22].

### **Терроризмга қарши курашишда мавжуд стратегия**

Классик стратегия: терроризм “Уруш хавфи” деб қабул қилган ҳолда ҳарбий тузилмалар (*пиёда, ҳаво ҳамда флот*) иштирокида террористик ташкилотларнинг раҳбарларини “йўқ” қилиш бўйича доимий махсус операциялар олиб борилади. Бу борада трансчегаравий ҳажмдаги амалиёт ўтказилиб келинади. Бунга мисол сифатида Ироқнинг Туркия билан чегара қисмида жойлашган Курдистон Ишчи партиясининг террористик фаолиятини фақатгина Туркия ичида қарши курашишнинг имкони йўқлиги сабабли, баъзи ҳолатларда Ироқ билан чегарадаги пунктларида ҳарбий-ҳаво кучлари орқали қарши курашишини келтиришимиз мумкин.

Виктомологик стратегия: бунда террористик ташкилотлар томонидан асосий эътибор ташкилотга янги аъзоларни жалб этиш ёки ташкилотни моливий жиҳатдан таъминлашга қарши қаратилган бўлиб, мазкур стратегияни амалга оширишда заиф ривожланаётган ижтимоий соҳалардаги шахслар билан ишлаш асосий ўрин эгаллайди. Давлат томонидан ушбу йўналишдаги тарғибот-ташвиқот ишлари доимий равишда амалга оширилиб келинади. Шуниси эътиборлики, бунда ҳарбий тузилмалар эмас, балки полициянинг тезкор хизматлари ва жандармерия (профилактика тузулма)лар фаол тарзда ишни ташкил этишади. Шу билан биргаликда оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилган ҳолатларда ҳам ушбу жиноятлар террорчилик фаолият билан боғлиқлиги текшириб борилади.

Радикаллашувга қарши стратегияси: ушбу стратегия ҳар бир шахс билан индивидуал ишлаш орқали радикаллашув, экстремистик ғоялардан қайтаришни назарда тутилган. Бунда энг самарали усул шахсга экстремистик ғояларга қарама-қарши бўлган ривоятлар, ҳадислар ва бошқа мисоллар орқали, шунингдек диний билим бериш орқали ҳамда “юмшоқ” ташаббуслар (ижтимоийлаштириш) орқали таъсир ўтказилади. Ушбу чора-тадбирларни ишлаб чиқишда хавфсизлик, ёшлар, таълим ва соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ишлайдиган давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлари орқали радикаллашиши мумкин бўлган одамлар ҳаётини ўрганиш бўйича

тадқиқотларни ўз ичига олган “ҳатарларни таҳлил қилиш” фаолияти жорий этилган.[23]

### **Марказий Осиё мамлакатлари тажрибаси**

Марказий Осиё мамлакатлари терроризмга қарши онлайн курашни кучайтириш мақсадида экстремистик фаолиятнинг ҳар хил турларига қарши кураш борасидаги ўз воситаларини такомиллаштириб бормоқда. Бунинг учун киберхавфсизлик стратегиялари ишлаб чиқилмоқда. Масалан, Қозоғистонда 2017 йилда “Киберхавфсизлик концепцияси”, Қирғизистонда эса “2019-2023 йилларга мўлжалланган тармоқ хавфсизлик стратегияси” ишлаб чиқилди[24].

Шу билан бирга, минтақа мамлакатлари ҳукуматларининг таълимни ривожлантириш ҳамда экстремизм ва терроризм мавзуларидаги тарғибот ишларини амалга ошириш одамларнинг радикал ғояларга иммунитетини оширишнинг муҳим усуллари эканини яхши тушунади. Шундан келиб чиққан ҳолда Марказий Осиё мамлакатлари терроризмга қарши курашишда универсал ихтисослашув, фаол тарғибот ва аҳолини салбий оқибатлардан огоҳлантириб бориш принципини қўлламоқда. Аҳоли ўртасида терроризм ва экстремизмнинг зарари ҳақида тарғибот қилишда, ёшлар ва аёлларни маърифатли қилишга, дунёвийлик ғоялари ривожлантиришга эътибор қаратишимиз зарур бўлади.

Ҳозирги террорчилик ташкилотлари ўзининг ташкилий тузилиши, чегара билмаслиги ва ўзаро алоқаларининг кенглиги билан ажралиб туради. Шунингдек, террорчи ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ўз сафларига асосан ёшларни жалб қилиб, уларни руҳий ва жанговар таёргарликдан ўтказган ҳолда манқуртга айлантиришдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларида динлар тарихи, психология ва миллий ғоя фанларидан дарс берувчи педагоглар фаолиятини қайта кўриб чиқиб, уларнинг малакасини ошириш;

ёшлар орасида мунтазам равишда терроризм ва экстремизмнинг зарарли таъсирини олдини олишга қаратилган ғоявий тарғибот ташвиқот ишларини олиб бориш;

зарарли мафкура, таълимот, оқим ёки ташкилотларнинг ижтимоий-психологик жиҳатдан хавфлилик (хавфсизлик) даражаси тўғрисида асосли хулосалар бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш орқали ёшларнинг турли экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш;

террорчилик гуруҳлари борган сари янги усул ва воситаларни қўллаб, ҳалқаро ҳамжамият олдида муаммоли вазиятларни юзага келтираётганлиги ва бунга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш заруриятининг мавжудлиги ва ҳ.к.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. *Ёдгоров Ш.М.* XX аср охири – XXI аср бошида Миср ва Суриянинг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш тажрибаси // Academic research in educational sciences. 2021. №Special Issue 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/hh-asr-ohiri-xxi-asr-boshida-misr-va-suriyaning-diniy-ekstremizm-va-terrorizmga-arshi-kurash-tazhribasi> (дата обращения: 27.01.2024).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5005-сонли Фармони.

3. *Иброҳимов Ж.А.* Терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. /Монография/ – Т.;2020. – Б.51.

4. Берг И.С. Европа против “Аль-Каиды”: в ожидании атак // [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://mnenia.zahav.ru/>.

5. Gesetz zur Bekämpfung des Terrorismus / dejure.org. URL: [https://dejure.org/Drucksachen/Bundestag/BT-Drs.\\_10/6635](https://dejure.org/Drucksachen/Bundestag/BT-Drs._10/6635). (Мурожаат санаси 10.01.2024)

6. Uups, dieseSeiteistleidernichtauffindbar/Bundesministerium des Innern, für Bau und Heimat.

7. Gesetzüber die Zusammenarbeit des Bundes und der Länder in Angelegenheiten des Verfassungsschutzes und über das Bundesamt für Verfassungsschutz (Bundesverfassungsschutzgesetz - BVerfSchG) / Bundesministeriums der Justiz und für Verbraucherschutz. — URL: <http://www.gesetze-im-internet.de/bverfschg/BJNR029700990.html>.

8. Gesetzüber den militärischenAbschirmdienst (MAD-Gesetz - MADG) / Bundesministeriums der Justiz und für Verbraucherschutz. — <http://www.gesetze-im-internet.de/madg/BJNR029770990.html>.

9. Gesetzüber den Bundesnachrichtendienst (BND-Gesetz - BNDG) / Bundesministeriums der Justiz und für Verbraucherschutz. — <http://www.gesetze-im-internet.de/bndg/BJNR029790990.html>.

10. GesetzzurBeschränkung des Brief-, Post- und Fernmeldegeheimnisses (Gesetzzu Artikel 10 Grundgesetz) (G 10) / dejure.org. [https://dejure.org/BGBI/1968/BGBI.\\_I\\_S.\\_949](https://dejure.org/BGBI/1968/BGBI._I_S._949).

11. Romanovskii G. B. Restrictions on human rights to counter terrorism in Germany. Grazhdaniniparvo = Citizen and Law, 2018, no. 3, pp. 18-29.

12. Wiegand, Irina. “National counter-terrorism (CT) policies and challenges to human rights and civil liberties”: case study of Germany. InternationalHumanRightsandCounter-Terrorism (2019): 385-408.

13. GesetzzurVerfolgungderVorbereitungvonschwerenstaatsgefährdendenGewalttaten / dejure.org. — URL: [https://dejure.org/BGBI/2009/BGBI.\\_I\\_S.\\_2437](https://dejure.org/BGBI/2009/BGBI._I_S._2437). (Мурожаат санаси: 8.11.2023).

14. Галицкая Н.В. правовые аспекты антитеррористической безопасности: опыт современного Китая. // Административное и муниципальное право. 2022. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-aspekty-antiterroristicheskoy-bezopasnosti-opyt-sovremennogo-kitaya> (Мурожаат санаси: 14.12.2023).

15. Иброҳимов Ж.А. Терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. /Монография/ - Т.;2020. -Б.57.

16. Панасенко В.Н. Оценка опыта противодействия экстремизму и терроризму в китайской народной республике // Труды Академии управления МВД России. 2020. №4 (56). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-opyta-protivodeystviya-ekstremizmu-i-terrorizmu-v-kitayskoj-narodnoj-respublike> (Мурожаат санаси: 14.12.2023).

17. Falk O, Kroitori H. The Internationalization of Suicide Terrorism // Eds. O. Falk, H. Morgen-shtern. // Suicide terror: understanding and confronting the threat. — N.J.: John Willey Sons, Inc., Hoboken, 2009. — P. 225-300.

18. Yehezkeli P., Horowitz Y. The Struggle of the Israeli Police Against Terror, 2000-2009 / Eds. G. Hagai, Sh. Shaul // Ticking Bombs — Confronting Suicide Attacks. — T. Avive, 2006.

19. Винов Д.Д. Американский опыт борьбы с терроризмом // Экономика и управление: анализ тенденций и перспектив развития. 2014. № 12. С. 127-130.  
Гарусова Л. Н. Стратегия борьбы США с международным терроризмом: опыт, новые вызовы, проекция на АТР // Россия и АТР. 2016. № 3 (93). С. 119-133.  
Зальсин И. Ю. Противодействие терроризму: цели, субъекты, модели // Вопросы национальных и федеративных отношений. 2021. Т. 11. № 1 (70). С. 158-164.

20. Алексеев О.Г. Противодействие терроризму в США : опыт и проблемы // Теория и практика общественного развития / РАН. Ин-т социологии. — Москва, 2012. — № 7. — С. 201–203.

21. *Иброҳимов Ж.А.* Терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. /Монография/ - Т.;2020. -Б.57.

22. <https://www.egm.gov.tr/> (Мурожаат санаси 10.01.2024).

23. [https://www.tasav.org/media/k2/attachments/TASAV\\_Kitap\\_Türkiyenin\\_Terörle\\_Mücadelesi\\_2.\\_Baskı.pdf](https://www.tasav.org/media/k2/attachments/TASAV_Kitap_Türkiyenin_Terörle_Mücadelesi_2._Baskı.pdf). (Мурожаат санаси 11.12.2023).

24. <https://cbd.minjust.gov.kg/15479/edition/962966/ru>. (Мурожаат санаси 10.12.2023).